



- * Самарқандлик жарроҳ йигитни дунё тан олди
- * Ўғлига буйрагини берган матонатли ўзбек аёли
- * Етти ёшли болакай нима учун жиноятчига айланди
- * Тошкент метросининг яна қандай бекатларида юра оламиз



Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 13 Май Шанба.
№ 37 (14319)

Президент Ислон КАРИМОВнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!
Хурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг хурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, гоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда - кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик - Алласти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига кўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуг зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчиларнинг беғуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир.

Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоқлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдиди, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айриликнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдиди, Яратганимиз олдиди бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инobatга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада аққол намоён бўлади.

Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.


Аслида биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш демакдир.

(Давоми 2-бетда)

Бугун биз мўтабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида — **ИЛОҲИМ** уларнинг арвоқлари шод бўлсин! — Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Ислон КАРИМОВ

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ — МАНГУ БАРҲАЁТ



Ўтган йили Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустақиллашнинг даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам ҳиёбон бунёд этилди.

12 май, муборак жума тонгида уфқдан бош кўтарган куёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайхонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлқалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилот-

лари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ҳн етти гектарлик кенг ҳиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган Қуръон оятлари янграйди. Сўнг аънага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, гоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда - кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, деди Юртбошимиз. Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўп-кўп ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

(Давоми 2-бетда)

Президент Ислам КАРИМОВнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир кутлуг қадам қўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбон бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Ахрорий, Боту, Исҳоқ-хон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мазори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборақ жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз илоё ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, беғубор ҳаётимиз, авлодлар бахт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этаётгани тарихимизда адолатнинг яна бир саҳифаси тикланаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган кутлуг кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, мухтарам нурунийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани - алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамisha сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди, иншоолло.

Мухтарам юртдошлар!

Бугунги унутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмуини бунёд этган моҳир қурувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Ўзгал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнособод аҳлига, барча ҳамшаҳарларимизга таъзим қиламан.

Шу улуг ва беғараз ишларга ҳисса қўшган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, мухтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин!

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриёдлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўққиз йил илгари, ватанимиз истиқлолидан аввал, шаҳидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашганлар эрк ва озодлик фидойиларининг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатағонга учраганлардан бири қўлида кишан би-

зар Қодиоров сўз олиб, қатағон даҳшатларидан, шаҳидларнинг беғуноҳ оила аъзолари чеккан жабр-зулм, бемисл азоб-уқубат ҳақида сўзладилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шаҳидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислам Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор этидилар. Ана шундай хайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боғ эса шаҳидларнинг хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунланган, Президент Ислам Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз, бугунги авлодлар ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъ-

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ



лан сўнгги йўлга кетаётиб, ҳомиладор хотинига қарата, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот кўйин деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнинггина ўз қомига тортмаган, истибдоднинг оловида ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўттинчи йилларнинг ўрталарида бир туман миқёсидаги раҳбар қамалгач, унинг “думи” сифатида яна эллик саккиз киши бадарга этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватаннинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай тупроққа бош қўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуг шоиримиз Чўлпон ёзганидай: “Йўқ, ўлим йўқ, Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!” Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Маросимда қатағон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари - Холида Ахророва, Мутал Бурҳонов, Рафиқа Абдуганиева, Назира Қодиорова, Эгамна-

кидлади. Бугун очилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жойда эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат қуриш йўлида қанчадан-қанча мушкулотларни бошидан кечирган, қамолларда азоб чеккан, саҳроларда дарбадар кезган. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам охир-оқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матонат халқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажакимизнинг гаровидир.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи илк кунданок зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎЗА мухбири

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиши олдида Миллий матбуот марказида китоблар тақдими бўлиб ўтди.

— Наим Каримовнинг “Истиқлолни уйғотган шоир”, Собир Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари”, Алиназар Эгамназаровнинг “Сургун”, Наим Каримов ва Рустам Шамсутдиновларнинг “Сургун” деб номланган китоблари жамғарма-миз ҳомийлигида чоп этилди, унинг самараси келажакимиз невоси ёшлар қўлида, -деди “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси бўлим бошлиғи Дилшод Ражабов тақдимот маросимида.

Бу китоблар бугунги кун ёшларига бир йўлланма бўлади, деган умиддаман. Ватандошларимизнинг юрт озодлиги, халқ манфаатлари учун ўз ҳузур-ҳаловатларидан кечганларининг ўзи бир сабоқ эмасми?!

— Сургун қилинган, “Пахта иши” билан қамоққа олинган, халқ душмани деб қатағон этилганларнинг номлари истиқлол шарофати билан оқланиб, юзлари ёруғ бўлмоқда, -деди “Сургун” китоби муаллифи Алиназар Эгамназаров тақдимотда сўзга чиқиб. — Китобга батафсил изоҳ бермасдан, мухтасар қилиб айтсам, у келажак авлод учун асрларга татигулик озуқа етказиб беради, деб умид қиламан. Ҳар қандай хайрли ишга, муқаддас бурч ва юксак масъулият нуқтаи назаридан қараш зарур, -деди пировардида А.Эгамназаров.

“Туркистон-пресс”

“Экосан” халқаро жамғармаси Соғлом авлод йили муносабати билан қабул қилган “Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови” дастурини амалга ошириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳамда тиббий жиҳатдан

“ЭКОСАН”НИНГ НАВБАТДАГИ САФАРИ

қўллаб-қувватлаш, улар орасида юзага келиши мумкин бўлган касалликнинг олдини олиш мақсадида яқинда мазкур минтақага навбатдаги “Экосан” саломатлик поездини жўнатди.

8 апрелда ўтказилган шанбалиқдан тушган маблағдан “Экосан” халқаро жамғармаси томонидан “Полисепт” универсал тозалаш препарати, профилактик ва рационал овқатланишда, камқонликни даволашда қўлланиладиган “Дармон-Микрэл” оксил озуқаси олинди.

Шунингдек, инсонпарварлик ёрдами

сифатида Элликқалъа туманида қурилаётган “Орол болалари” болаларни соғломлаштириш маркази учун қурилиш жиҳозлари ҳозирланди.

Пойтахтлик 15 нафар шифокор, жойлардаги тиббий ташкилотлардан қўшил-

ган 100 нафар мутахассислар гуруҳи икки ҳафта давомида аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Болалар, аёллар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари кўрикдан ўтказиладиганларнинг асосий қисмини ташкил қилди.

Мазкур тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акционерлик компанияси ва бошқа хорижий фирмалар яқиндан қўллаб-қувватлашди.

“Туркистон-пресс”

“ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ” ГА МАРҲАМАТ

“Туркистон” таҳририяти қошида ташкил этилган “Шеърият сабоқлари” ёш ижодкорлар даврасининг навбатдаги йиғилиши 2000 йил, 17 май, чоршанба куни соат 16:00да бўлиб ўтади.

Даврамизнинг бу галги меҳмони сиз кутган ва сиз севган шоир Аъзам ЎКТАМ бўлади. Мушоирага барча қизиққан шеърият ихлосмандларини таклиф қиламиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. “Туркистон” газетаси таҳририяти, 508-хона.

ҚАЛБИМИЗДА...

Айни пайтда “Хотира ва Қадрлаш” кўнига бағишланган турли тадбирлар барча ўқув юртларида, лицей ва коллежларда, маҳалла-ларда давом этапти.

Биз таълим олаётган Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ҳам ушбу кўнга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда фахрийларимиздан Й.Абдуғани, М.Рисқиев, Ғ.Ўтабоевлар сўзга чиқиб, урушда бошларидан ўтган кунларни бизга сўзлаб берди. Абдуғани отанинг “Фарзандларим, урушни биз кўрдик, сизлар кўрманглар” деган гаплари вужудимизни титратиб юборди ва тинч замонда яшаётганимизга шукр қилдик.

Тадбирдан сўнг, Хотира майдонига йўл олдик. У ерда биз ўғлини кутаётган муқаддас она пойига гуллар қўйдик.

Урушда шаҳид бўлган инсонларнинг руҳи доимо қалбимизда-дир.

Шамшоода ГАПБАРОВА,
Ўз.ДЖТУ қошидаги академик
лицей ўқувчиси

ЎЗБЕКОНА ДАВОЛАШ

Самарқанддаги ортопедия-жаррохлик шифохонасида букрилик касалига даво топилди. Уни ёш шифокор Саидқосим Пардаев кашф этди. Шундай қилиб ўзбек шифокори жаҳон тиббиёти соҳасида ўзига хос янгилик яратди.

Булунғур туманининг Мўғол қишлоғида туғилиб ўсган, Самарқанд тиббиёт институтида болалар жаррохлиги ихтисоси бўйича маълумот олган Саидқосим Пардаев бугунги кунда ортопедия-жаррохлик шифохонасида умуртқа жаррохлиги бўлимини бошқармоқда. Тиббиёт фанлари номзоди.

— Талабалик кезларимда фалокатга учраган турли жониворлар устида иш олиб борардим, - деди С.Пардаев. - Ҳузуримга келган ҳар бир беморга мақбул даво усулларини қўллашга ҳаракат қилардим.

Умуртқа поғонаси синган кекса бир амаким бор эди. Кўп йиллардан буён тўшакка михланиб қолганди. Шикастланган жойини гипслаб бўлмасди, чунки бемор ундан баттар азоб тортарди. 1992 йилда умуртқа поғонасини тик тутадиган, ҳаракатланиш учун қулай мослама яратдим. Уруншларим зое кетмади — амаким тузалиб кетди. Қувончимга қувонч қўшилди.

Умуртқа поғонасининг эгрибурги ўсиши ва касалликнинг зўрайиб кетишига аслида беморларнинг ўзлари сабабчи бўладилар. Масалан, кишининг ўнг оёғи оғрийди, бели олдга чиқиб қолади, бел қисмида оғрик зўраяди, ўтирса туролмайди. Бунда бемор даволанса, унинг ҳолати бироз муддатга тикланади, бир-икки ойдан сўнг яна аввалги ҳолатига қайтади. Бундай дарддан азоб чекаётганларнинг кўпчилиги умуртқа чурраси (грижа) касаллигига чалинган бўлиб, уни фақат жаррохлик йўли билан даволаш керак ва шарт. Чунки дори-дармон муолажаси ижобий натижа бермайди. Бўйин остеохондрози ҳам худди шундай жаррохлик йўли билан даволанади. Бу касаллик инсоннинг ҳаракатланишига халал етказиши, қўл-оёқлари ишламайди, пировардида бемор фалаж бўлиб қолади.

— **Сиз ихтиро қилган мосламани кенг ишлаб чиқаришга жорий қилса бўлмасмикан?**

— Бўлади. Мосламани ҳозир бир темирчи устага яратяпмиз. Аслида дюралюминийдан тайёрланадиган ушбу қўлбола мосламани яшаш унчалик қийин эмас. Таннари 7 минг сўмга тўғри келяпти. Бундан бир неча йил олдин матбуотда шу муаммо кўтарилганди. Ҳозирча бизга ҳомийлик қиладиган бирорта мард топилмапти.

— **Тиббиётда қўлланиладиган даволаш усули билан Сизнинг ихтироингиз ўртасида фарқ борми?**

— Умуртқаси синган беморлар шу пайтгача шифохонада 2-

3 ой тўшакка михланиб ётган. Бундай шароитда уларнинг 60-90 фоизи ногирон бўлиб қолади. Тажрибали шифокорларнинг анъанавий муолажа усулларидан яна бири — умуртқаси синган беморни, албатта, қатъий режим асосида фақат қимирламай ётқизиш, даволашдир. Менинг муолажам билан, яъни умуртқаси синган ҳолатда мослама кийиб юриш натижасида бемор уч кунда юриб кетади.

— **Шу мавзуда илмий диссертация ҳимоя қилибсиз.**

— Мосламам жорий йилнинг июль ойида Германияда ўтказиладиган "Жаҳоннинг ноёб ихтиролари" танловида қатнашадиган бўлди.

Маълумки, республикаимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Табиийки, улар жисмоний меҳнат билан шуғулланишади. Оғир юк кўтариш, зўриқиш натижасида умуртқа поғоналари сезилмаган тарзда қийшайди. Шу тахлитда кўплаб одамларимиз ўзлари билмаган ҳолда ушбу касалликка чалинадилар. Биз бунда одамларнинг шифохонамизга келиб даволашларини маслаҳат берган бўлардик.

Шифохонадан эшитган гапларни, фикрларни тасдиқлаш мақсадида умуртқа жаррохлиги бўлимида даволанаётган беморлар билан учрашдик.



Биз президент фарзандларимиз

— Олти йилдирки, ўрнимдан туролмасдим, - дейди Самарқанд туманидан келган 1-гурӯх ногирони Худойназар Ниёзматов. - Бўйим оғирди, ён-атрофга бурилиб, қарай олмадим. Бормаган жойим қолмади. Бир неча бор Тошкентга бориб даволандим. Ниҳоят, бу ерга келдим. Операция қилишди. Ҳозир қўлларим, оёқларим, бошим бемалол ҳаракатланипти.

Оғир дарддан халос қилиб, оёққа турғизгани учун Пахтачи туманидан Сайдулла Гаффоров, каттақўрғонлик Қобил Маждидов ва шулар каби ўнлаб беморлар Саидқосим Пардаевдан миннатдор бўлиб, унинг дуои-жонини қилишмоқда.

"Туркистон-пресс"

"Фарзандларимиз биздан кўра билимли, биздан кўра бахтлироқ бўлиши керак". Бу сўзлар Ўртабосимизнинг оташин хитоби. Бу шиор ҳамма давраларда ҳам бир хил жаранглайверади. Чунки болалар ҳамиша ҳаммамиз учун

ҳонга юз тутмоқда. Шу боис юртимиз тараққиёти учун билимли, хорижий тилларни пухта эгаллаган ташаббускор ёшлар зарур. Марказда инглиз тилини техник атамалар йўналишида ўрганаётганлар талайгина. Бундан ташқ-

нинг довуғини оламга ёядиган янги русумли самолёт тайёрлаш.

— Кўча-кўйда ҳар хил компьютер ўйинларини ўйнаб юрган, вақтларини беҳуда ўтказётган тенгдошларимга айтмоқчи эдимки, ҳунар ўрганинг, у сизга ҳаётда керак бўлади, дейди кичкина Саид Маҳмуд. У ҳозирда 28-ўрта мактабнинг 6-синфида ўқийди.

УЛҒАЯЁТГАН КЕЛАЖАК



Нияти — халққа нафи тегадиган одам бўлиб етишиш.

Республика ўқувчилар техника ижодиёт маркази директори



бирдай суюқлидир. Бирок бу сўзлар ортидан амалий чора-тадбирлар бўлмаса унинг тафти, жаранги сўнади.

Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар

ари улар замонавий ЭХМ ва дастурлаш сирларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Инсон ҳар томонлама мукамал қилиб яратилган. Фақат ундаги қобилиятларнинг юзага чиқиши учун зарур муҳит бўлса бас. Улар навнихол. Парвариш эса биздан. Акс ҳолда қобилиятлар сўниб боради. Бўш жойни албатта нимадир тўлдирди. Бу табиий жараён.

— Мен уйда, қўшнларнинг, қариндошларнинг радиоприёмниклари, дазмоллари бузилиб қолса, тезда тузатиб бераман. Уларга фойдам тегаётганидан мамнунман, - дейди биз билан суҳбатда "радиотехника" тўғраги ўқувчиси, 12 ёшли Дилшод Ойбеков.

Нурилла Носиров, 6-хунарта техника билим юртида таҳсил олиш билан бирга, марказнинг "Авиамоделлаштириш" тўғрагининг фаол аъзоси ҳамдир. У ўзининг паланер Ф-1-А модели билан турли миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Баъзан мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг аниқ бир мақсадлари йўқлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто ўқишга ҳам таваккалига ҳужжат топширишади. Бизнинг қаҳрамонларимиз эса улардан анчагина фарқ қиладилар. Уларнинг аниқ мақсадлари, танлаган касблари бор.

Авиамоделлаштириш тўғраги ўқувчилари Улуғбек Облаев, Абдувахоб Каримовлар авиация соҳасида ишлашни мақсад қилиб қўйганлар. Орзулари жуда ҳам кўп. Шулардан бири Ўзбекистон жа-

Толибжон Қорабоев бизга қуйидагиларни гапириб бердилар:

Иқтидорли болаларни аниқлаб, уларни рағбарлантириш бизнинг бош мақсадимиз.

— Яқинда қатор ҳамкор ташкилотлар билан иқтидорли болалар Республика анжуманини ўтказдик. Унда республиканинг барча вилоят, туманларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган марказнинг 139 та филиалидан ўқувчилар иштирок этди.

Ўтган йили сурхондарёлик ўқувчилар Нурали Жўраев, Абдуғани Зарипов, Шухрат Саитовлар ўзларининг "Шеробод тарихи" номли фильмлари билан республика кинофотос анжуманида голиб чиқиб, Санкт-Петербургда бўлиб ўтган халқаро фестивалда ҳам иштирок этдилар. У ерда ҳам фахрли ўринни қўлга киритиб, Австрияда бўлиб қайтишди.

Бундан ташқари, биласиз қизлар техникага деярли қизиқмайдилар. Шу боис қизлар учун миллий каштачилик, зардўзлик, тикувчилик тўғрақлари ташкил қилдик. Эндиликда юзлаб қизларимиз унут бўлаётган миллий санъатимиз сирларини ўрганмоқдалар.

Улғайиб келаётган келажак нафақат инсоният наслининг давоми, балки юртимизнинг эртаси ҳамдир. Ва ишонч билан Ўзбекистоннинг келажаги буюк, дея оламиз. Ҳа, бу юртда буюк келажак улғайапти.

Дилбар ТУРҒУНОВА

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

келган ўн тўртта голиб жамоалар иштирок этди.

Кўрик-танлов 5 та шартдан иборат бўлиб, жамоалар бу шартларда ўзларининг юксак ҳуқуқий билимлари ва саҳна маданиятига бўлган эътиборларини намойиш этдилар. Шу билан бирга улар мурраккаб суд жараёнларини саҳнавий кўришлар орқали томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишиб, уларнинг юксак мақтовларига сазовор бўлдилар.

Танлов қизгин баҳс ва мунозаралар остида ўз ниҳоясига етди. Унга кўра, Тошкент вилояти, Чиноз туманининг "Қонун" жамоаси барча иштирокчилар орасида энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, ҳакамлар ҳайъати томонидан беллашувнинг мутлақ голиби деб эълон қилинди ва "Ка-

молот" жағфармасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирланди. Шунингдек Тошкент шаҳрининг "Истиқлол" жамоасига иккинчи, Хоразм вилоятининг "Ташаббус" жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди.

Феруза Ўтаева — Сурхондарё вилояти, "Адолат" жамоаси сардори:

— Гарчи кўрик-танловда биз голиб бўлмасак-да, юксак ғалабага эришдик, деб ҳисоблаймиз. Чунки бугун биз юздан орттиқ дўстлар орттирдик. Энг муҳими эса, тўплаган ҳуқуқий билимларимизни томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этишимиз билимларимизни янада чуқурлаштиришга, келгуси танловларга бундан пухта тайёргарлик кўриши-мишга замин яратди. Кўрик-танлов баҳо-

насида Республикаимиздаги мавжуд Фуқаролик Кодекси, Конституция, Жиноят Кодекси, Оила Кодекси каби қонунларни ўрганишга муваффақ бўлдик. Қонун тўғрисида эгаллаган билимларимиз эса биз учун энг юксак ғалабадир.

Қундуз Рўзимова — Хоразм вилояти, "Ташаббус" жамоасининг сардори:

— Бугунги кўрик-танловда бизга учинчи ўрин насиб этган бўлса-да, туман ва вилоят босқичларида голиб бўлиб, Республика миқёсидаги беллашувда иштирок этиш биз учун энг юксак бахтдир.

Ўйлайманки "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг барча қатнашчилари ўз уйларига катта таассуротлар билан қайтишади. Чунки бу беллашув улар учун буюк имтиҳон бўлиб, келгуси учрашувларда уларни ғалаба шохсупаси сари етаклайди.

Акбархон МАГДИЕВ,
"Қамолот" жағфармаси
бошқаруви матбуот котиби

Республика "Қамолот" жағфармаси ташаббуси билан Адлия, Халқ таълими, Ички Ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Олий Суд, Ўзтелерадиокомпанияси ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Мана уч йилдирки ёшларнинг Конституция, Қонунлар, Давлат ва ҳукумат қарорларини мукамал ўрганишларига кенг шароит яратиб бериш ва кўмаклашиш мақсадида ўрта мактаблар ва ўрта махсус таълим ўқув юртлири ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танловда ўтган давр мобайнида Республикаимиз бўйича 500 мингдан зиёд ўқувчилар иштирок этган бўлса, жорий йилда, яъни 1999-2000 ўқув йилида 750 мингга яқин ўқувчилар қатнашди.

"Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Республика якуний финал босқичи 2000 йил 5 май кuni Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан

Тўрт қизнинг ота-онаси бўлган Мамадали ака билан Зулҳаё опа Аллоҳдан ўғил сўраб кеча-кундуз илтижолар қиларди. Ниҳоят, уларнинг илтижолари ижобат бўлиб, ўғил кўришди. Яхши ният билан Файзуллажон деб ном қўйган ота-она нуридийдасининг камолини тилаб, халқи, юрти хизматиға камарбаста ўғлон бўлиб етишишининг тилашарди.

ҳеч қандай куч, таскин ва далдалар йўлдан қайтаролмасди.

— Тўшақда бир ҳолда ётган ўғлимга кўзим тушганда, ҳаёлимда оёғим остидаги ер симобга айланиб, дунё остинустун бўлганга ўхшаб кетди. Оёқ-қўлимдан мадорим кетиб, Файзуллажон ётган кравотга ўзимни отдим, — деб эслайдилар юзларини ювиб келаётган, кўз

текширишлардан кейин иккала буйраги қаттиқ шамоллаган, деган ташҳис қўйишди. Аслида йигитнинг дарди оғир бўлиб, шамоллаш оқибатида буйрақлар фаолияти бузилиб, йиринг пайдо бўлганди. Беморнинг иккала буйраги ҳам оғир жароҳатланган, ҳар қандай ма-лакали мутахассис қилган операциянинг фойдаси йўқ эди. Битта йўли бор — ҳеч бўлмаса буйракнинг биттасини алмаштириш керак. Саксонинчи йиллар охирида Тошкентда бундай жарроҳликнинг иложи йўқ эди. Файзуллажоннинг

реанимация бўлимида сунъий буйрак билан нафас олиши кундан-кунга оғирлашарди. Бундан кўриб, онанинг сабри чидамасди.

— Буйрак эканку, шу ўғлим учун юрагимни беришга ҳам тайёрман, — деди профессордан бор гапни эшитган Зулҳаё опа. — Керак бўлса иккала буйрагимни ҳам олин-гллар, ўғлимнинг ҳаёти-ни сақлаб қолишга ёрдам беринглар. Барибир мен жудолликка чидолмайман.

Она-болани 1984 йилнинг май ойида Москвадаги Петровский номли илмий жарроҳлик марказининг буйрак алмаштириш бўлимига ётқизишди. Олти ойлик кузатиш ва тиббий таҳлиллардан

илашиб, юрагида “наҳотки” деган ваҳима пайдо бўлди. Бармоқлари билан ён-верини пайпаслаб, кўзларини очишга, ўғлини кўришга ҳаракат қиларди. Онанинг ўзига келганини ва безовта-ланаётганидан хабар топган ҳамшира югуриб келиб, далда берди: “ташвишланманг, операция муваффақиятли чиқди, ўғлингиз соғ-омон, жонлантириш бўлимида” деб таскин берди. Онаизорнинг илтимоси билан учинчи куни Файзуллажонни унинг ёнига олиб келишди. “Яхшимисиз ойижон, қийналмадингизми?” Файзуллажоннинг биринчи гапи шу бўлди.

Орадан беш йил ўтди. Файзуллажон вақти-вақти билан гоҳ онаси, отаси, гоҳ опалари ҳамроҳлигида Москвага бориб бир-икки ой ҳаво алмаштириб, нажоткор шифокорларнинг назоратидан ўтиб, маслаҳатлар олиб қайтади. Тез кунларда Файзуллажон чехраси яшнаб, олдингидек тўлишиб, забардаст йигит бўлганидан қувонган онаизор энди ўғлини уйлантириш, неваралик бўлишни ўйларди...

... Қувончлар, орзулар саробга айланди — 1991 йилнинг қишида Файзуллажонни оғир аҳволда шифохонага ётқизишди. Она буйраги Файзуллажон умрини 6 йилга узайтириб, у эндигина дардини унутаётган эди ҳамки, пешоб йўлига тушган инфекция касалликни яна зўрайтириб юборди. Она-бола бир хонада. Оғриқ зўрайиб, вужуди алангага айланганидан ўзини қўярга жой тополмаётган Файзуллажон онасини ортиқ изтиробга тушиши, қийналиши-ни истамасди. Шу боис, онасининг хонадан чиқиб кетишини илтимос қилди.

— Мана тўққиз йил бўлди, ўғлимнинг

МАТОНАТ

Ёшлигидан санъатга дил боғлаган, шахмат-шашкага ҳавас қўйган Файзуллажон мактабни олтин медалга тамомлаб, ота-онасини хушнуд этди.

Ота-она ўйлагандек, йигитча санъат ёки спортни эмас, ҳуқуқшунослик касбини танлади. Тошкентда эмас, Саратовда ўқимоқни ният қилди.

Тилаб олган ўғлини бағридан чиқаргиси, бегона юртга юборгиси келмасида, боласининг йўлига тўғаноқ бўлиш, ниятидан қайтариш бир умрлик армон бўлиб қолишини ўйлаб, онаизор ўкинчларини ичига ютди. “Қаерда бўлсанг ҳам бошинг омон бўлсин, йигит йўлинг равон, орзуларинг рўёбга чиқсин” дея оқ фотиҳа бериб, ўғлини кузатиб қўйган Зулҳаё опанинг бутун вужуди кулоққа айланиб, Саратовдан хушхабар кутарди. Ниҳоят “Отажон, онажон, мени талаба бўлганим билан табрикланглар” деган мазмундаги телеграмма келган куни Файзуллажон туғилиб, вояга етган Чилонзор туманининг Наққошлар кўчасидаги хонадон тўйхонага айланди.

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтди. Жигаргўшасидан келган мактубларни қайта-қайта ўқиб, соғинч таптини босгандек бўлган онаизор қанот пайдо қилиб учгиси, ўғлини бағрига босиб, юз-кўзларидан кучгиси келар-



МАЛИКАСИ

Ўғил она буйраги билан олти йил ҷир кўрди

ди. “Ойижон, мени кутинг, байрамни бирга нишонлаймиз, узоғи билан бешинчи ноябрда Тошкентда бўламан” деган сатрларни ўқиган дақиқаларда Зулҳаё опанинг қувончи ичига сикмади.

Бешинчи ноябрдан кейин ҳам кунлар ўтди, ўғлидан дарак йўқ. Она ўғлининг бир сўзлиги, берган ваъдасининг устидан чиқувчи, қатъиятли йигитлигини билади. Демак, бирор кори-ҳол юз берган...

Тахмин, кутиш ва иккиланишлар билан яна бир ҳафта ўтди. Энди онани

ёшларини тўхтатолмай Зулҳаё опа. — Кўриб турибман, кимирлашга мажоли йўғ-у, “Қўрқманг ойижон, бироз шамоллаб, даволанишимга тўғри келди, врачлар яхши қарашди, ўртоқларим хабар олиб туришди. Сизларни безовта қилгим келмай, хабар бермадим” деб ўзини тетик кўрсатишга, жилмайишга ҳаракат қиларди, бечора ўғлим.

Файзуллажон даволанган шифохонада бор гапни айтишмаган бўлса-да, Тошкентга олиб кетиш, тажрибали мутахассислар маслаҳатини олишни тақлим қилиб, Тошкентда қайта-қайта тиббий кўрикдан ўтказиш, таҳлил ва

кейин “она-боланинг қон таркиби, тана аъзолари бир-бирига мос, онанинг бир буйрагини ўғлига кўчириб ўтказса бўлади” деган хулосага келинди.

Ўша куни, яъни 1984 йилнинг 5 декабрида икки гуруҳ шифокорлар она-болани операция қилишга киришди. Беш соатдан кўпроқ давом этган жарроҳлик амалиёти муваффақиятли чиқди. А.С.Белорусов бошлиқ жарроҳлар онанинг соғлом буйрагини кўчириб, Файзуллажоннинг танасига жойлаштиришди. Онанинг буйраги ўғлининг танасидан макон топди. Она ўзига келиб, атрофига аланглади, кўз олди қоронғ-

фироғида куйиб-ёниб, гоҳ хуш, гоҳ нохуш яшайман. Отаси ҳам фарзанд доғига чидолмай, 1996 йилда оламдан ўтди. Лекин орзу-умидлари дилида армон бўлиб кетган Файзуллажон энди қайтиб келмайди, ёнига қачон бораман, Аллоҳга аён.

Зулҳаё опага Аллоҳдан сабр-тоқат тилайман. Шундай матонатли, меҳри уммон оналар борлиги, улар орамизда эканлиги учун ҳам олам гўзал, қадрқиммат йўқолмайди ҳеч қачон. Фарзандига ҳаёт бахш этган муқаддас, мўътабар онанинг жасорати ҳар биримиз учун бир ўрнак. Биз учун ҳар нарсага қодир оналаримизни асрайлик, эъзозлайлик. Фарзандларимизга шундай буюк меҳр бера олайлик.

Ибодат СОАТОВА

1999 йил куз фаслининг айни пишиқчилик кунлари. Қовун-тарвузлар айни етилиб, атрофга ажиб бир ҳид таратаётган пайт. Мактаб партасига ҳали унча кўника олмаётган кичкина Отажон дарслар тамом бўлиши биланоқ уйига қараб чопди. Эрталаб чойни чала-чулпа ичиб кетгани сабаблими, жуда очиккан эди. У эшикдан кирасолиб “Ойи овқат борми?”, дея кичқирди. Аксига олиб уйда ҳеч ким йўқ; ойиси ҳам, акалари ҳам, ҳаммаси пахта теримиға кетишган эди. У дастурхондан нон синдириб олди-да, бостирма тагида узиб териб қўйилган тарвузлардан биттасини кўтариб ҳовлиға олиб чиқди.

Нон билан тарвузни паққос тушириб олган Отажон бир ўзи зерика бошлади. Ҳовлида бир оз ўйнаб юргач, учиб кетаётган турналарни яқиндан томоша қилиш учун том бошига чиқди. Бир маҳал ўқшни болалар: ўзидан икки-уч ёш катта Мунис билан Толибжонларнинг бостирмадаги тарвузлардан олиб чиқиб бир чеккада иштаҳа билан

еяётганларини кўриб қолди. — Ҳей, тарвузни нимага ўғирладинглар?! Қани жойига қўйинглар!

Болалар бунга жавобан тарвуз пўчоқларини унга отишди. Отажон у ёқ бу ёғига қараб уларга отиш учун ҳеч нима топа олмагач, том бошида туриб яна кичқирди:

— Ҳозир акамни чақираман, иккалангга ҳам кўрсатиб қўяди!

— Аканг пахта теришга кетган, — бамайлихотир жавоб берди Толиб.

— Унда дадамни чақираман. — Даданг овга кетган.

Ов сўзини эшитиши билан Отажон дадасининг милтигини эслади. Дадаси овга чиқса Отажонни ҳам бирга олиб кетар, унга милтиқни қандай ўқлаш, мўлжалга олишни ўргатган эди.

Бир томондан тарвузни ўғирлашгани, иккинчи томон-

дан эса уни масҳаралаб тарвуз пўчоқларини отишгани Отажонга жуда алам қилиб кетди. Муштлашай деса иккаласи ҳам ундан катта, калтак ейиши мумкин. “Дадамнинг милтиғи билан отиб ташлайман!” Шу фикрда у томдан қаққон тушди-да, ичкарига кириб кетди. Дадасининг беш-олтита ўқ билан милтиқни қўйиб кетган жойидан зўрға кўтариб чиқди-да, уни ўқлаб ўзига кўрқув ва хайрат билан қараб турган Толибжон ва Мунисга қарата кетма-кет отди.

Фарёдли кичқириқдан кўрқиб кетган Отажон милтиқни ташлади-да, маккажўхори-зорга қараб қочди... Биз ҳикоя қилаётган ушбу воқеа бадиий тўқима эмас, балки айни ҳақиқат, бу фожеа 1999 йил 16 сентябрь куни Хоразм вилояти, Хонқа туманида юз берган. Етти ёшли Отажон Эшимов

1989 йилда туғилган Мунис Қўшназарованинг оғир яраланишига, унинг тенгдоши Толибжон Қўшназаровни эса бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлиб, гўдак боши билан қотилга айланганди.

— Ҳамма айб менда, — дейди О.Эшимовнинг отаси Шарифбой Эшимов. — Милтиқни 1993 йили Хонқа тумани, Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи Матназар Ражабовдан сотиб олиб, ҳужжатлаштириб сефда сақлаб келардим. Қулфи бузилганлиги туфайли тузаттириш учун устага бериб юборгандим. Бундай бўлишни билганимда...

Афсуски, энди пушаймондан фойда йўқ, лоақал у ов милтиғини қисмларга ажратиб кетганида ҳам бу воқеа содир бўлмаслиги мумкин эди.

Ш.Эшимовнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги, бепарволиги

Жиноят кўчасида...

оқибатида ўз ўғли тенги бир бола оғир яраланди, иккинчиси эса ҳаётдан кўз юмди.

Хонқа туман суди томонидан ўз айбини бўйнига олганлиги, вояга етмаган тўртта фарзанди борлиги, илгари судланмаганлиги ҳисобга олиниб, Ш.Эшимов икки йилга озодликдан маҳрум қилинди.

... Кичкина Отажон эса бир кун келиб улғаяр, ақлу-хушини танигач, тенгқурлари орасида Толибжоннинг йўқлигини кўриб виждони қийналар, ўзининг нақадар оғир гуноҳ қилиб қўйганлигини юракдан ҳис қилар, ўшанда айбни кимга қўяр экан, ўзигами ёки мўлжални аниқ олишга ўргатган бепарво дадасигами?..

Шухрат АБДОЛНИЁЗОВ,
Хоразм вилояти,
Хонқа туман
прокурори, адлия кичик
маслаҳатчиси

ЕТТИ ЁШЛИ ҚОТИЛ

ДУНЁНИНГ МОҲИЯТИ

“Ёшлик” журнаlining 2-сони нашрдан чиқди.

Журнал “Навоийхонлик” руқнида берилаётган “Эҳтиёж” номли мақола билан очилади. Унда муаллиф, истеъдодли шоир Али-

дилар. Турмуш ҳолатларига факултетада фалсафийлик, шарқона андиша билан ёндошилган мазкур ҳикоялар ўқувчиларга манзур бўлишига шубҳа йўқ.

Шеърят мухлислари эса Фарҳод Арзиев, Дилшод Ражаб, Маруса Хосилова, Муродхон Ниёзхоний сингари ёш шоирларнинг ижод намуналаридан баҳраманд бўладилар.

“Дунёнинг моҳияти, мақсад-манзили — муҳаббатда”. Бу сатрлар “Кўнгил манзаралари” руқнида берилган Қоражон Тошмуродовнинг “Излаганим, топганим...” мақоласидан олинган. “Маънавияти юксак инсонлар билан Ватан келажаги порлоқ. Бизнинг вазифамиз эса аждодларимиз томонидан бунёд этилган маънавиятни тегаран англаш, руҳиятимизда унга нисбатан муҳаббат уйғотишдан иборат”, деб ёзади муаллиф ўз мақоласида.

Филология фанлари номзоди Ваҳоб Раҳмоновнинг “Муаммо санъати” мақоласи кўпчилик адабиёт ихлосмандларида, айниқса абитуриентларда кизиқиш уйғотиши табиий. Зеро, “мумтоз бадият санъатлари” руқнида эълон қилинган ушбу мақола ихчам маълумотлар бериб, ўқувчини мумтоз бадият сирларига ошно этади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонидан ёзувчи Ҳабибулла Зайниддиннинг “Аллагаги лаҳзалар” қиссаси ҳамда Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романининг якуний қисми чоп этилган.

АКБАРАЛИ

ЁЗ — ЎТАДИ СОЗ

— “Соғлом авлод йили”да республикамиздаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 332 минг нафар болани соғломлаштиришни ташкил этиш кўзда тутилган. Уларни 194 нафар ўғил-қизлар шаҳар ташқирисидagi соғломлаштириш оромгоҳларида 71 минг нафардан кўпроқ бола санаторий типидagi, уч минг нафардан ортик болакайлар спорт соғломлаштириш қолганлари эса мактаблар қошидаги кундузги ҳамда меҳнат-роҳат оромгоҳларида дам оладилар, деди “Туркистон-пресс” муҳбирига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Озода Мухитдинова.

— Шу мақсадда ёзги мавсумда мамлакатимизда 887 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

Ҳар бир вилоят ҳокимликларидagi оромгоҳларни ишга туширишга тайёргарлик ва мавсумни намунали ташкил этиш бўйича кенгаш ўтказилиб, таркибига ҳоким ўринбосарлари, касаба уюшмалари вилоят кенгаши, вилоят савдо, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санитария эпидемиология нazorати, ички ишлар, автотранспорт бошқармалар вакиллари кирувчи комиссиялар тузилди.

Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида болалар со-

ғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг, хусусан, мудир, тарбиячи ва шифокорларнинг малакасини ошириш ҳамда иш услубларини такомиллаштириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этилди.

“Соғлом авлод йили”да фарзандларимизни саломатликларини тиклашга хизмат қилувчи турғун соғломлаштириш оромгоҳларида таъмирлаш ишлари қизғин бормоқда. Ушбу хордиқ масканларининг 80 фоизиди биноларнинг ташқи кўринишини пардозлаш-таъмирлаш, уларни зарурий жиҳозлар билан таъмирлаш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Қолган оромгоҳларда эса капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Айниқса, оромгоҳлар ҳудуди ва уларда мавжуд ёрдамчи хўжаликларни кўкаламзорлаштириш, чўмилиш ҳавзалари, ошхона, ётоқхона ва ҳовлиларни санитария талабларига мувофиқ тозалаш ишларига катта эътибор берилмоқда.

— Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг йўлланмалари корхона ва ташкилотлар уюшма қўмиталари томонидан берилади. Энг аҳамиятлиси шуки, ота-оналар йўлланма қўмитасининг фақат 10 фоизинигина тўлайдилар холос, деди пировардида Озода Мухитдинова.

“Туркистон-пресс”

Ютуқлар ҳақида гапириш, ёзишга одатланганмиз. Бу — тушунарли, албатта: ютуқ кишининг ғурурини кўтаради.

Аввало биз фаол эмасмиз, эргашишга, имдоддан сўнг ҳаракат қилишга обдон кўниканмиз... —эътироз билдирмасиз.

Радиони кўп эшитмайман-у, яқинда мурватини бурай туриб “Дўстлик” студиясига тушиб қолдим. Бир зиёли домла тўй-ҳашамлар хусусида сўзларкан, ўзи пойтахтлик бўлгани ҳолда бу ерда дабдабалар сонининг бемеъёр кўпайиб кетганини, оила бюджетини хусусида куйиниб гапирди. У тагин қиз узатиши, ўғил уйлантириши, куёв қақариши, “чорлар” уюштириши, 15-20 та манаман деган гижинглаган алламбало машиналар қақиртириб никоҳ маросимини ўтказиши, қайсидир “пресстижний” қаҳвахона ёхуд

ланми, имо-ишора биланми, — нима билан?

Омманинг онгидида бир ҳаракат, ўзгариш бўлмаса, ҳар қандай гоёнинг ёйилиши жуда қийин кечади.

Аммо ҳамма даврларда ҳам халқ ичидаги ташаббус, онг муҳим рол ўйнаган. Акс ҳолда гоё ўз-ўзидан сингмайди.

Шу ўринда менга мавзудан эмас, манзилдан чекинишга руҳсат берарсиз.

Хуллас, Абдулҳамид ака (мендан бир неча ёш катта шекилли — етти нафар боласи бор экан) Қурбонов билан, гарчи кўшни қишлоқдан бўлса-да, яқиндан танишолмаган эканмиз.

Ишхонага келиб, Муҳаммад Юсуфни қидириб юрганида шоирнинг уй телефонини бердим. Мазаси йўқ, келолмас экан, деди афсусланиб гўшакни кўяр экан.

ТАРОЗИНИНГ ИККИ ПАЛЛАСИ

ресторанда “узоқ кутган” тўй тантанасини ўтказиши керак эмасми? Ахир қатнашиб юрган тўй-ҳашамлари шу қадар маҳаббатли-да!

Унинг қизи бошқалардан камми? Ўғли-чи?

Камтарроқ тўй қилай деса... курмағур орият бор, ўзи ул-бул жойларга бориб юрибди, костюм-шим кийиб, галстук тақиб, виқор тўкиб ошна-оғайни, ёрубиродарлар ҳам кам эмас, уларнинг топиш-тутишлари худди кран жўмрагидан сув очган каби оппа-осон кечаётгандек туюлади: нолиш-ўқиниш йўқ.

Ие, шошманг, яқиндагина эмасмиди ҳукуматнинг тўй-маросимларини дабдабасиз, камчиқим ўтказиш ҳақидаги чиқарган қарори. Бўлмаса, Тошкент кўчаларида тўйга қатнашаётган машиналар сони ўша қарор чиқаётган пайтда 5-6 тага тушган бўлса-ю, бугун ҳам ўша-ўша бўлса...

Домла маҳалла оқсоқоллари, домла-имомлар лоқайдлигидан нолиб қолди. Бу тахлит харажатлар оила бюджетига чунонам қаттиқ таъсир қилишини айтди, қолаверса, бунинг инсоннинг бахту-саодати, камол топиб кетиши учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини оқилона сўзлади.

Бирок... Ҳаёт-чи, ҳаёт?

Ҳаёт дарёдай давом этаётир.

Кейинги пайтда кўпчилигимиз бир мавзуга ёпишиб, то кейинги “долзарб вазифага” етгунча шу ҳақда қаторлаштириб мақола ёзамиз — кечаги кун, кечаги воқеа дарҳол эсдан чиқади, гўё у ўша вақтнинг муаммоси-ю, ҳаёт энди уни тақозо қилмаётир. Ҳақиқат ҳамма нарсадан чўнғроқ эканини унутгандай бўламиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президентимизнинг миллий мафкура асосидаги гоё зарурлигини ўқтириши биринчи марта кўтарилаётган муаммо эмас. Зеро, биз бугун ёпишиб олиб эртага эсдан чиқарадиган мавзу ҳам эмас бу. Керак бўлса мангу мавзу!

Ўйлайман, ўйлайман: бир тоифа тепса тебранмас замондошларимизни ҳаёт тақозоси долзарб қилиб қўйилаётган жараёнга қандоқ жалб этиш мумкин? Сўз биланми, ҳаракат би-

Шеърлар опкелган экан шоирга, ўқиб кўриб, ҳамшаҳарликни ҳам унутиб, шеърларини бошинг-кўзинг демай танқид қилишга тушдим.

— Биласизми, -деди анчадан сўнг у, -мен шоирлик даъво қилмаяпман, кўрсатишга опкелганман, холос. У Самарқанд вилоятининг Заркент кончилар кўрғончасида коммуннал хизмат тармоғида ишларкан. Ишидан кўнгли тўқ. Кўрғон тозаланишга ҳаракат қиламиз. Ахлатни, гарчанд эшак аравада ташиб бўлса ҳам ҳовли ва кўчаларни тоза тутамиз дейди. Чунки, трактор ёки мусоровоз десангиз фалон сўм, навбат кут деб тураверишди. Энг беминнати арава. Кўрғондан анча нари жарга тўкиб келамиз: олам гулистон.

А.Қурбонов иймонли бир йигит эканига шубҳа қилмадим. Етти нафар фарзандга ота эканини ўйлаб, пойтахтга келиб-кетиш ҳам ҳаражатли иш эканини айтаман, маоши қанчалигини суриштираман.

— Маошини сўраб ўтирманг, - дейди у. - Аммо тирикчиликдан кўнглим тўқ. Ойликка кўз тикиб ўтирсанг ўтираверасан одам. Ўзинг ҳаракат қилишинг керак, тамом. Бир тегирмоним бор. Мижозларим кам эмас. Бошқа тегирмончиларга қараганда унни бир кило кўп тортиб бераман. Унинг сифати ҳам қатъий жавобгарликни бўйнимга оламан. Ахир нон деган нарсга ҳалолликни ёқтиради-да. Шундай қилиб рўзгор обод.

Абдулҳамид аканинг хатлари, шеърлари хусусида узоқ тўхталиб ўтирмайман. Буларни ўқисангиз сиз муаллифнинг онги уйғоқ, ҳаракатчан эканини дарров пайқайсиз. Аммо инсон хат, шеър билангина фаол қолармиди дейсиз. Фаоллик узлуксиз, сиру синоатлари қолипга сиғмаган ҳаётда айни вақтида оқилона тадбир ўтказиш орқали ҳам билинади. Токи бир ҳодиса кишилар кўнглида бора-бора ярага, армонга айланиб қолмасин.

Бир даврада, гувоҳи бўлдимки, низоли масала кўрилатир. Икки томон тортишуви: бир ён даъвогар, бир ён жавобгар. Даъвогарларнинг даъвоси адолатли. Улар оёқ

Ўйласа бўладиган мавзу

тираб туриб олишса, тўрт-беш киши чиндан ҳам узоқ муддатга қамалиб кетиши керак. Ҳар ким ўз нуқтаи назарини айтяпти. Қўйинглар, мурасага келинлар деювчилар ҳам бор. Бирок оқсоқол йўқ — ягона худойи фикрни айтадиган бир инсонга муҳтож бу давра.

Абдулҳамид ака, гарчи ёши кичик бўлса-да, хўш десанглар бир оғиз бир нарсга дейинг деди-да, ҳамманинг ҳушини ўзига тортиди. Аслида уямо бошқаларнинг фикридан чекинмади. Бирок узоқ мажлисга айланган даврада унинг гаплари чунон жўяли туюлдики, ҳамма рози, икки томон мурасага келди-қўйди.

Бу акага тан берганим ўшанди бўлди.

Ҳаёт мураккаб. Унинг мураккаблиги қошида лол туриш эса

бирор масалани ҳал қилиб беролмайди. Аксинча, ечим, йўл-йўриқ топиш керак.

Ўша юқорида айтганимиз тўй-ҳашам қилаётган одамларнинг ортикча чиқиму дабдабалари ким учун керак — бошинг қотади киши. Кимгадир бу қадар хотамтойлик, эркалик, қолаверса, олифтарчиликни кўрсатиб қўймоқчимиз, деб ўйлайман. Куёвнинг ўзигагина айбни тўнкаш густоҳлик бўлар эди, чунки ота-онаси ҳам шуни хоҳлаптиди. Масалага очик ёндошадиган бўлсак, у одам бу қадар дабдаба учун ҳаражат пулларини қаёқдан оляпти ўзи? Эҳтимол, у муттаҳамдир, балки ноқонуний ишлар қилар? Уларга малол келмайдими бу дабдабали ҳашамлар?

Бир тўйда гувоҳ бўлганман: артистга уй соҳибаси дамбадам доллар қистириб кетаверди. Баъзи одамларга сўм қистириш ҳам малол келиб турибдию унинг думбул қилиги энсани қотиради. Кейин эшитсак, у хотиннинг талай майда долларлари бор экану уни санъаткорларнинг чаккасига қистирарканда, илтимос қилиб қўшиқчидан (танишдир-да) пулни қайтариб оларкан, бироз ўтгач, одамларнинг кўзига яна ёпиштираркан. Ана холос! Бунга нима дейсиз?

Бу майнавозчилик, зўраки, олифтарчиликнинг бирор онгли одам учун кераги борми ўзи? Ахир тўйга борганларнинг шунга кўзи учиб турмагандир.

Ҳамма жойда ҳам гапи ўтар кайвони оқсоқоллар, маҳаллакўй бор, маҳалланинг амалдорлари бор, шунақа вазиятларда тарбияга қақариб қўйса бўладиган — тан олинган ваколатли одамлар улар. Аммо... Улар ҳам “камтарлашиб” кетяпти чоғи.

Битигимиз бошида лоқайдлик, фикрсизлик, мактанчоқлик, фаолиятсизлик каби иллатларимиздан нолидик. Лекин шундай тоза, покиза тўлқин ҳам мудом ўша қусурларга қарши енг шимариб (А.Қурбонов сингарилар)қурашга шай турадики, ҳаёт тарозисининг шайини ўзи тарафга босиб ва яна босиб юборади.

Собир ЎНАР

МЕҲНАТ ОНА — ЎЗБЕКИСТОН

Қўлимдаги созим, илҳомим,
Тилимдаги гўзал достоним,
Мен туғилган она — маконим,
Мана шу юрт — Ўзбекистоним.

Амир Темури Ватанидир бу,
Мир Алишер масканидир бу,
Мирзо Бобур ошенидир бу,
Мана шу юрт — Ўзбекистоним.

Қайга борсам номинг достондир,
Фарзандлари ҳар ишга қодир,
Полвонларинг дунёга машхур,
Менинг она — Ўзбекистоним.

Ўзлигини элга танитган,
Ўз номини тарихга битган,
Энди номи жаҳонга кетган,
Мана шу юрт — Ўзбекистоним,
Мангу маъво боғу бўстоним.

Мансур ЮНУСОВ,
Қашқадарё вилояти

Баҳор оқшомининг шўх юлдузлари,
Мўралар осмоннинг деразасидан.
Табиатнинг сўлим, наргиз гуллари—
Бўй чўзар қалбимнинг дарвозасидан.

Юрагим қалъасин эшикларини,
Батартиб чертади ҳаяжон.

БАҲОР

Кўнглимнинг қўллари пойинга —
Баҳор гулларида сепар, онажон.

Тилакларимдай оқ, кийинган ўрик,
Шоҳлари эгилар келинчак мисол.
Умрининг энг сўнги баҳори учун —
Маъюс чайқалади кекса мажнунтол.

Юрагим қонидай қизилдир адир,
Майсалар таққандир шабнамдан зирак.
Ҳа, шундайин гўзал яралган тақдир,
Инсонлар, инсондай яшаши керак...

Гулзода БОЙМУРОВА,
Самарқанд вилояти

ОҲИМ

Сиздан жудо бўлмоқ ўлимдан оғир,
Сизни унутмоқлик гуноҳи азим.
Мен бедаво дарднинг мубталосиман,
Ундан фориг этинг мени азизим.

Юрагим дупури бир лаҳза тиниб,
Сизнинг кўксингизга ўтиб олса гар.
Сиз ўзга юракка кетсангиз кириб,
Шу заҳот кўксимга урардим ханжар...

Лек сиздан ўзгага ишонмайман ҳам,
Бу ёруғ оламда суянган тоғим.
Сиз қалбим чироғин ёқа олсангиз,
Шу оловда куйиб кетарди оҳим.

Қўрқаман сиз билан тўқнаш келишдан,
Нигоҳларингиздан қочаман нари.
Сизни соғинаман оташ юракдан,
Ортингиздан ҳа деб ўйлаган сари!

Умида САОДАТОВА,
ЎзМУ журналистика факультети,
II-курс талабаси

“ТУРКИСТОН” ҚАЛБИРҲОЧЛАРИ

Армон эмас, бу сўзимдан армон узок,
Лекин сизга айтаримдан ёлгон узок.
Узоқдаман, аммо кўнглим қишлоғимда,
Ҳафтасига борай десам, Карвон узок.

Бу шаҳарда ҳар не қилсам кўнглим ўсмас,
Шодлик бир дам тўхтагин, деб йўлим тўсмас.
Аллоҳимдан бошқа ҳеч ким ёрмас, дўстмас,
Дардларимни ёрай десам, Карвон узок.

Ишонмадим ишқий сўзлар: хатларига,
Ишқим тушди, боқмадилар ортларига.
Бир зумгина ота-онам дардларига,
Дардларимни қорай десам, Карвон узок.

Амал қилдим отамнинг шу сўзларига:
“Қайрилмагин сен шаҳарнинг қизларига”...
Меҳридарё онам маъюс юзларига,
Бир соғиниб қарай десам, Карвон узок.

Битмоқдаман, вужудимдан дармон узок,
На қилай, ер қаттиқ экан, осмон узок.
Бир қиз яшар, бунда мени унутолмай,
Шу кунига ярай десам, Карвон узок.

Шерали НИШОНОВ,
Самарқанд вилояти



ҚИСМАТ

Қисмат кимни шод этиб, кимни хор
этар ажаб,
Кимни ғам ила сийлаб, беқарор
этар ажаб.

Кимни ошиқ яратиб, кимни бир
малак сиймо,
Ёр йўлида ошиқни интизор этар ажаб.

Ёр ҳажрида куйса ошиқ, висол йўлида ёвлар,
Мажнун каби ошиқларга дунёни тор
этар ажаб.

Кимни шоҳ этиб шаксиз, ғамдин
этиб масуво,
Кимга толеда гадолик хокисор этар ажаб.

Кимга давлат ато айлаб, кимга меҳнат
ила ранж,
Меҳнатдан кечмади ким бўлмади, зор
бўлмас ажаб.

Ҳар кишига бир фазилят, ҳар кишига
хос ҳунар.
Изланади илм-соҳиб бўлмас бахтиёр ажаб.

Сенга Дилшод қисмат толеда шоирлик
этмиш ато,
Назм гулшанида сенга толе ёр бўлса не ажаб.

Дилшод ОРИПОВ,
ҚДПИ толиби

СОҒИҲ

Ёмғирлар ёшимдан яралган дарё,
Тунларнинг кўксига бош қўйди юрак.
Қўлларимга минг бахт тутқазган дунё,
Лек сенсиз шу бахтлар менга не керак?
Куздек кетиб, баҳор бўлиб қайтмайман,
Хаёл, узок-узоқларга олиб кет.
Армонлар тилкалар бағримни ҳануз,
Эҳ, армон, ҳиссизман, ҳузуримдан кет.
Сени излаб фақат, сени ахтариб,
Олис сафарларга отланиб қолдим.
Ҳажрингда ҳар кеча шамдайин ёниб,
Сени кута-кута бир кун толдим.
Юрагимда оғриқ — сени кутаман,
Олов мисол фақат ололмасман тин.
О, бардош сен фақат қалбимга эрмак,
Бардошлар бағрида топайин эрмак.

Шаҳноза НУРБОЕВА,
талаба

БАҲИМ

Одамзоднинг мудом бир ками бисёр.
Дилни ўртагувчи ситами бисёр.
Суянган тоғингдан этади жудо,
Ҳасратли дунёнинг алами бисёр,
Сиз ёш тўқмангиз, давронлар бисёр
Отангиз пок руҳи қўлласин сизни,
Энг юксак уфққа йўлласин сизни.

Тақдирнинг қисмати голибдур ҳар он,
Чархпалак этади, ожиздир инсон.
Меҳрибон отанинг хижрони оғир,
Лек кимдан қолмагай бу кўҳна замон.
Отангиз пок руҳи қўлласин сизни,
Бахтиёр дамларда йўлласин сизни.

Рухлар абад сўнмас, тирикдир гўё,
Кўкда юлдуз бўлиб таратгай зиё,
Ўқсиманг отам йўқ, дея ҳеч қачон,
Паноҳида асрагай тургунча дунё.
Отангиз пок руҳи қўлласин сизни,
Гар баланд чўққига йўлласин сизни!

Ортингизда қолсин энг мағрур тоғлар,
Қалбингиз тарк этсин мудҳиш ғуборлар,
Умид ғунчангизни айламанг хазон,
Сўлмасин ногаҳон нафисгул-боғлар.
Отангиз пок руҳи қўлласин сизни,
Оллоҳ саодатга йўлласин сизни.

Феруза АЗИМОВА,
Кизилтепа тумани

УЗА КОЛОМБО. Шри-Ланка ҳарбийлари "Тамил илама" озодлик йулбарслари" жангариларининг Жафна яриморалини бутунлай босиб олиш мақсадида қилган навбатдаги ҳужумини қайтарди. Ҳукумат қўшинлари вакилининг айтишича, армия қисмлари исёнчиларни чекинишга ҳам мажбур этган.

МОСКВА. Россия махсус хизмати вакиллари А. Масхадов ҳукумати сафида миллий хавфсизлик хизмати директори лавозимига ишлаган Иброҳим Хултиговни ҳибсга олди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, И.Хултигов Вёденск туманида ўтказилган махсус операция натижасида ушланган.

ТОКИО. Япония Бош вазири Иосиро Мори 2 июн кунни мамлакат парламентини тарқатиб юбориш ва 25 июнда умумий сайлов ўтказишга қарор қилди. Бу ҳақда ҳукумрон Либерал демократик партия вакили айтди.

Хабарларга қараганда, 13 июн кунни Японияда сайловди кампанияси бошланади.

КАМПАЛА. Уганда ва Руанда ҳукуматлари ўз қўшинларини Конго Демократик Республикасининг исёнчилар назорати остида бўлган Кисангани шаҳридан олиб чиқиб кетишга рози бўлди. Кампала шаҳрида Ричард Холбрук бошчилигида БМТ Хавфсизлик кенгаши делегацияси билан ўтказилган музокараларда шундай натижага эришилди. Делегация аъзолари икки мамлакат вакиллари ўзаро тўқнашувларга дарҳол чек қўйишга чақирди.

ОСЛО. Норвегияда ҳусусий сектор ходимларининг деярли бир ҳафта давом этган оммавий иш ташлаши ниҳоясига етди. Улар ўзларининг маошнни ошириш тўғрисидаги талаби қондирилган, шундай қарорга келди.

Мамлакат Бош вазири Йенс Столтенберг можаронинг хайрли якун топганидан мамнуният билдирди. Экспертларнинг ҳисоб-китобига қараганда, иш ташлаш оқибатида Норвегия иқтисодиёти кунига 175 миллион крон (тахминан 20 миллион АҚШ доллари) миқдоридан зарар кўрган.

ФРИТАУН. Сьерра-Леонедаги исёнчи гуруҳ раҳбари Фодде Санко мамлакат қуроли кучлари томонидан мажбуран назорат остига олинди. Бу ҳақда Сьерра-Леоне армияси вакили айтди. Унинг сузларига қараганда, айни пайтда исёнчилар сардори хавфсизлик нуқтаи-назаридан қуроли кучлар штабида жойлаштирилган бўлиб, қаттиқ қуролланмоқда.

БЕРЛИН. Чехия президенти Вацлав Гавелнинг Германияга расмий ташрифи бошланди. Тўрт кун давом этадиган ушбу сафар давомида у ГФР президенти Йоханнес Рау, бундестаг (парламент) раҳбари Волфганг Тирзе, канцлер Герхард Шрёдер ва ташқи ишлар вазири Йюшка Фишер билан музокаралар ўтказди. Учрашувларнинг асосий мавзуси Чехиянинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши масаласи бўлади.

ВАШИНГТОН. Жаҳон банки Украинадаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга тайёр. Вашингтонда Украина Бош вазири Виктор Ющенко билан музокара ўтказган банк президенти Жеймс Вулфенсон шундай деди. Унинг айтишича, банк раҳбарияти Украина ҳукумати самарали иқтисодий ислохотлар ўтказа олади, деб ишонади.

НАЙРОБИ. Кенияда ерсиз деҳқонлар мамлакатнинг оқ танли фуқароларига тегишли иккита фермани эгаллаб олди. Парламентнинг расмий ҳукуматга муҳолиф бўлган депутатларидан бири қора танли кенияликларни зимбаб-велик "ога"ларидан ўрнак олишга даъват этган, улар оқ танлиларнинг ерини зўрлик билан тортиб олишни бошлади.

Кения мустақилликка эришгач, мамлакат ҳукумати оқ танли фермерлар ерларини сотиб олиб, туб аҳоли вакиллари бўлиб берган бўлса-да, ерсизлик муаммоси ҳозиргача тўла ҳал этилмаган. Шунга қарамай, ҳукумат ерни

зўрлик билан тортиб олишни қўллаб-қувватламапти.

ХАРТУМ. Судандаги йирик исёнчи гуруҳлардан бири - Судан халқ озодлик армияси вакиллари ҳукумат билан ўтказилиши кўзда тутилган тинчлик музокараларида қатнашиш ниятидан воз кечди. Шу муносабат билан тарқатилган баёнотда айтилишича, исёнчилар мамлакат жанубидаги иншоотларнинг бомбардимон қилинишига норозилик сифатида шундай қилган. Суданда тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларнинг навбатдаги босқичини 17 майда Кенияда ўтказиш режалаштирилган эди.

ҚОҲИРА. Миср ҳукумати Исроилнинг Жанубий Ливандан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этипти. БМТнинг Яқин Шарқдаги махсус мувофиқлаштирувчиси Терье Ред-Ларсен Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусо билан ўтказилган музокарадан сўнг шундай деди.

Шунингдек, БМТ мувофиқлаштирувчиси Қоҳирада Араб дав-

лаб бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда Яқин Шарқда тинчликка эришиш жараёни муаммолари муҳокама қилинди. Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусонинг айтишича, яқинда бўлиб ўтган Фаластин-Исроил музокараларида томонлар бирор аниқ қарорга кела олмагани сабабли, улар ўз қарашларини қайта кўриб чиқиши зарур. Ёсир Арафотнинг Қоҳирага сафаридан мақсад ҳам бўлажак музокаралар олдида Миср раҳбарияти билан маслаҳатлашиб олишдир.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина пойтахти ҳокими сайловининг иккинчи тури ўтказилмасданок, голиб маълум бўлди. Ушбу лавозимга даъвогарлик қилаётган иқтисодчи Доминго Кавалло ўз номзодини қайтариб олган, 42 ёшли адвокат Анибал Ибарра Буэнос-Айрес шаҳри ҳокими, деб эътироф этилди. Биринчи турда у 49,4 фоиз овоз тўплаган эди.

УЛАН-БАТОР. Мўғулистонда қишки-баҳорги мавсумда ем-хашак етишмаслиги оқибатида зарар кўрган чорвадорларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат махсус дастурини ҳаётга жорий этишга киришилди. Ушбу дастурга кўра, чорвадорларга улар кўрган зарарга қараб чорва моллари берилади. Тадбирни амалга ошириш учун ҳукумат 1,6 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ ажратган.

АР-РИЁД. "Халқаро авф" ташкилоти Саудия Арабистонида инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганини қаттиқ танқид қилди. Ташкилот подшоҳликни жорий йилда иккинчи бор ҳуқуқбузарликда айбламоқда.

Маълумотларга қараганда, Саудия Арабистони жиноятчиларни қатл этиш борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жорий йилда бу ерда 25 киши қатл этилган.

ЛОНДОН. Лондондаги Халқаро нефт биржасида бир неча кундан буён "қора олтин" нархи ошиб борапти. Хабарларга қараганда, ўтган кун бу ерда бир баррел нефт 26,60 АҚШ доллари баҳоланган. Кузатувчиларнинг фикрича, бунга нефт экспорт қилувчи мамлакатларнинг хом ашё нархи пасайишига ҳар томонлама тўсқинлик қилаётгани сабаб бўляпти.

ФРИТАУН. Сьерра-Леонеда ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар гуруҳлари ўртасида кучли қуроли тўқнашув бўлиб ўтди. Хабарларга қараганда, жанг оқибатида исёнчилар мамлакат пойтахти Фритаундан 56 километр узоқликда жойлашган Масаика шаҳрини қўлга киритган. Шаҳар аҳолиси эса ваҳимага тушиб, жон сақлаш учун пойтахтга қочиб келмоқда.

ПЕКИН. Хитойнинг Шанси вилоятида рўй берган транспорт ҳалокати оқибатида тўққиз сайёҳ ҳалок бўлди, 20 кишидан ортиги турли тан жароҳати олди. Хабарларга қараганда, фожеа хитойлик буддапарастлар томонидан алоҳида эъозланадиган Утайшан тоғида рўй берган. Сайёҳларни олиб кетаётган автобус ағдарилиб, чуқур жарга қулаб тушган.

МЕХИКО. Мексикада наркобизнес билан шуғулланаётган жиноий гуруҳларга кескин зарба берилди. Мамлакат полицияси Сакатекас штатида 660 килограммдан зиёд кокаинни мусодара қилди. Прокуратура вакиларининг сузларига қараганда, контрабанда маҳсулот юк машинасида АҚШ билан чегарадош Сьюдад-Хуарес шаҳрига олиб кетилаётган экан. Полиция хайдовчини қамоққа олди ва унинг ҳамтовокларини қидиришга киришди.

ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Равалпинди шаҳрида террорчилик ҳаракати содир этилди. Бу ерда қўлбола бомба портлаши оқибатида бир киши ҳалок бўлди, тўққиз киши жараланди. Полициянинг тезкор ҳаракатларига қарамай, жиноятчиларни ушлашнинг иложи бўлмади. Мамлакатда фаолият кўрсатаётган бирор террорчи гуруҳ бу жиноят учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олгани йўқ.



лари лигаси Бош котиби Исмаил Абдумажид билан ҳам учрашди.

МАНИЛА. "Абу Сайяф" гуруҳи томонидан гаровга олинганлар билан боғлиқ можаро ечилимаганига қарамай, Филиппин президенти Жозеф Эстраданинг Хитойга расмий ташрифи кечиктирилмади. Буни президент девони вакили Рикардо Пуно айтди. Унинг билдиришича, сафар илгари режалаштирилганидек 16 май кунни бошланади. Ж.Эстрада Пекинда ХХР раиси Цзян Цзэмин ва бошқа расмий қишилар билан учрашади.

ДЕХЛИ. Ҳиндистон ядровий қуролга эга бўлмаган мамлакат мақомида ядровий қуролни ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилмайди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Жасвант Сингх шундай деди. Унинг айтишича, бу мамлакат миллий манфаатларига уйғун эмас.

АБУЖА. Нигериядаги энг йирик шаҳар, мамлакатнинг бизнес маркази Лагос аэропорти биносига кучли ёнғин содир бўлди. Ўт ўчирувчилар беш соат давомида олов билан курашди. Хабарларга қараганда, ушбу ҳодиса оқибатида бинога катта зарар етган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумот йўқ.

КУДДУС. Фаластиннинг "ФАТХ - Инқилобий кенгаш" ташкилоти "Локерби иши"да Ливиянинг иштирокини тасдиқловчи далилларга эга эканини маълум қилди. Ташкилот вакилларида бири айни пайтда шу иш бўйича бўлаётган судда гувоҳ сифатида қатнашишга тайёр. "ФАТХ - Инқилобий кенгаш" томонидан тарқатилган баёнотда шундай дейилади.


Илгари айни пайтда суд қилинаётган икки ливияликнинг адвокати "Локерби иши"да Фаластиндаги террорчи ташкилотларнинг қўли борлигини айтган эди.

СОФИЯ. Болгария социалистлар партияси ва "Европа сўлчилари" партияси Иван Костев ҳукуматига ишонсизлик масаласини мамлакат парламенти мажлиси кун тартибига киритишини маълум қилди. Ушбу қарорни шарҳлар экан, партиялар раҳбарлари ҳукуматнинг ҳаддан ташқари коррупциялашганини баён қилди.

Кузатувчиларнинг фикрича, Иван Костев бошчилигидаги ҳукумат истеъфоси эҳтимолдан йироқ. Чунки парламентда кўпчиликни ташкил этувчи "Демократик кучлар бирлашмаси" коалицияси ҳукумат тарафдоридир.

ҚОҲИРА. Хусний Муборак ва Ёсир Арафот ўртасида

Ушбу тўғри бўлган



Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 6 май сонидан
эълон қилинган бош-
қотирма жавоблари

ЭНИГА: 1. Танақўзи. 4. Арканзас. 8. Идора. 9. Икона. 12. Рама. 13. Кекирдик. 16. Чана. 19. Ирода. 20. Ақиқа. 21. Роҳатбадан. 26. Веллингтон. 30. Амара. 31. Гилам. 32. Атос. 33. Клаймакс. 36. Дарз. 39. Сапфо. 40. Анбар. 41. Иссиқота. 42. Глиптика.

БҮЙИГА: 1. Табарзин. 2. Қуда. 3. Зорге. 5. Рекха. 6. Адно. 7. "Синчалак". 10. Омбор. 11. Калиш. 14. Катапульта. 15. Дока. 17. Карнавал. 18. Мандинго. 22. Берн. 23. Дашт. 24. Калахари. 25. Макон. 27. Тана. 28. Илгак. 29. Амазонка. 34. Лафет. 35. Канал. 37. Шарқ. 38. Карп.

“КАМОЛОТ” ЖАМ- ФАРМАСИ ШАЙХОН- ТОҲУР ТУМАН БЎЛИ- МИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. Пойтахтимизнинг Чорсу ва Хадра майдонларида жойлашган реклама панелларига энг арзон нархларда ўз рекламанингизни жойлаштиришингиз мумкин.

2. Ёш, ҳаракатчан ва чаққон реклама агентларини ишга таклиф этамиз.

Биз билан ҳамкорлик, ютуғингиз гаровидир!

**Манзипимиз: Тошкент шаҳар,
Анҳор бўйи кучаси, 6-уй.
Телефон: 41-16-63.
Пейджер: 088: 35-47**

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ЯНГИ АСРДА

Тошкент метросининг янги барпо этилаётган Юнусобод йўналишида бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Бугунгача ушбу йўналишда қурилиш ишларининг 75 фоизи амалга оширилди.

— «Шаҳар транспортини ривожлантириш тамойили» га мувофиқ Юнусобод йўналишининг биринчи навбати 2001 йилда, иккинчи навбати эса 2003 йилда фойдаланишга топширилиши лозим, — деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда Тошкент метрополитени бош муҳандиси Ринат Урмонов.

Ушбу йўналишининг биринчи навбати ишга тушгач, унда мавжуд «Минг ўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари бўйича поездлар қатнови йўловчиларнинг узоғини яқин қилади. Иккинчи навбатида эса «Файзулла Ҳужаев» ва «Туркистон» бекатлари иш бошлайди.

Бундан ташқари, айна кунларда Тошкент метрополитенининг 2003 йилда қурилиши бошлангандиган янги йўналиши ва унинг техник-иқтисодий асослари устида иш олиб борилмоқда. Барпо этилажак ушбу йўналишда ҳозирги ишлаб турган Собир Раҳимов станциясидан Сергели йўналишигача бўлган 8,2 километрлик масофадаги қурилиш ишлари бажарилиши лозим. Лойиҳа-смета ҳужжатлари «Метролойиҳа» институтида ишлаб чиқилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Хитойнинг транспорт воситалар ишлаб чиқарувчи дунёга машҳур «Ситик» компанияси ўртасида имзоланган Баённомага кўра, қурилиш ишларида ушбу компания қатнашади. Чунки, метросозлик соҳасида мазкур техник-иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистон учун қулай ва фойдадан бўлиб, мўлжалланган баённома лойиҳасини низомига кўра кредитлар қайтариш муддати 10 йилга чўзилади.

Ушбу маблағларга «Ситик» компаниясидан замонавий вагонлардан иборат 40 та поезд, энергия таъминоти, сигнализация, марказлаштириш ва блокировка қурилмалари билан биргаликда зарур ускуналар жамланмаси, телевидение, радиоалоқа, овозкучайтиргич каби қурилмаларни ҳам олиш мумкин.

— Лойиҳалаштирилаётган йўналишда бешта станция барпо этилади. Улардан икитаси ер остида, қолганлари эса ер ости сувлари яқин бўлганлиги боис ер устида бунёд этилади. Худди шу сабабли транспорт лаҳмлари ҳам унча чуқур бўлмаган жойдан қазилади, — деди пировардида Р.Урмонов.


«Туркистон-пресс»

Ю. П. ДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(15 МАЙДАН-
21 МАЙГАЧА)

ҲАМАЛ. Душанба молиявий аҳволингизни яхшилади. Сешанбада ҳамкорлар учрашуви. Чоршанба кунини бойийсиз. Пайшанбада соғлиқ кайфиятингиз яхши эмас. Жума кунини зиддиятлардан нари юринг. Шанбада сирли учрашув. Якшанба кўнгилдагидек ўтади.

САВР. Ҳафта бошида қувончли воқеалар содир бўлади. Чоршанба ва пайшанба кунлари кўпдан кутаётган янгиликдан воқиф бўласиз. Харид учун жума хайрли кун. Шанбада мириқиб дам оласиз. Якшанба кунини асабни асранг.



ЖАВЗО. Душанбада кайфиятингиз о'кей. Сешанба кунини соғлиқингизни авайланг. Чоршанба муҳим хабардан огоҳ этади. Муҳим ишларни пайшанба ва жумага қолдириг. Шанбада шамоллаб қолманг. Дам олиш кунини кутганингиздек ўтади.

САРАТОН. Соғлиқ ҳамма нарсда кераклигини душанбада унутманг. Сешанба сизни сирли учрашувга таклиф этади. Чоршанба ва пайшанбада ишлар о'кей. Ҳамкорлар билан тузган битимингиз жума кунини ўз самарасини беради. Шанбада асабийлашманг. Якшанба кунини дам олганингиз маъқул.

АСАД. Душанбада алданиб қолманг. Сешанба кунини саломатлигингиз сизни бироз безовта қилади. Чоршанбада муҳим ишларга қўл урманг. Пайшанба кунини узоқдан кўнгироқ кутинг. Жумада ҳамкорлар учрашуви. Шанбани ўзингизга бағишланг. Якшанбада яқинлар дийдорлашуви.

СУНБУЛА. Ҳафта бошида қувонасиз. Сешанба молиявий аҳволингизни яхшилади. Чоршанбада севгилингизни кутинг. Пайшанба кунини ишлар о'кей. Жумада спорт билан шуғулланг. Шанба кунини сизни сўроқлашади. Якшанба ижод учун самарали кун.

МЕЗОН. Харидингиз душанбада баракали бўлади. Сешанбадан хушхабар кутинг. Чоршанба кунини зиддиятлардан нари юринг. Пайшанбада муҳим ишларга қўл урманг. Соғлиқ учун хавфли кун жума. Шанбада сирли учрашув. Якшанба кунини яхши дам олинг.

АҚРАБ. Асабларингиз чарчагани Ҳафта бошида билинади. Сешанбада эски дардлар безовта қилади. Чоршанба кунини алданиб қолманг. Жумада сизни сўроқлашади. Ҳамкорлар билан янги битимларни шанба кунини тузинг. Якшанба яқинлар даврасида ўтади.

ҚАВС. Душанба кунини асабийлашманг. Сешанбада сирли учрашув. Чоршанба кунини қувонасиз. Пайшанба ишбилармонлар кунини. Жумада сизни алдаб кетишга уринишади. Шанба кунини соғлиқ кайфиятингизни яхшиланг. Якшанбада кўнгилли хордик.

ЖАДЙ. Молиявий аҳволингизни душанбада яхшилайсиз. Сешанба кунини муҳим ишларга қўл урманг. Чоршанбада сирли учрашув. Пайшанба харид учун баракали. Жума ва шанба кунлари узоқдан янгилик эшитасиз. Якшанбада қувонасиз.

ДАЛВ. Саломатлик — туман бойлик эканини душанбада унутманг. Сешанба кунини ҳамкорлар билан учрашасиз. Чоршанбадан кўнгироқ кутинг. Пайшанба кунини яқинларингизни кутинг. Шанбада зиддиятлардан нари юрганингиз маъқул. Якшанба кунини оила-аъзоларингиз билан муносабатини яхшиланг.

ХУТ. Душанба кунини сизни алдаб кетишга уринишади. Сешанбада соғлиқингизни авайланг. Чоршанба кунини спорт билан шуғулланг. Пайшанбада яқинингиз билан кўнгироқлашасиз. Жума ва шанба сизни сирли учрашувга таклиф этади. Якшанба кўнгилдагидек ўтади.

ТРАКТОР КУЧЛИГА-КУЧЛИ

Ушбу турда пешқадамлар очикчасига кескин қаршиликка дуч келишди. Олтин медал учун асосий даъвогарлардан бири «Самарқанд» «Трактор» майдонида чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этсада, омад улардан юз ўгирди. Ўз уйим, ўлан тўшагим қабилада тўп сурган «Трактор»чилар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишиб мағрурлик ғалабанинг душмани эканлигини исботлади.

Чемпионлик учун жиддий курашаётган «Насаф» Навоийнинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилиб, ғалаба қозонишга ҳар қанча урунмасин дуранга имзо чекишдан бошқа илож тополмади. «Самарқанд» мағлубиятдан сўнг турнир жадвалида иккинчи ўринга кўтарилиб олди.

Олий лиганинг янги жамоаси «Семург» ушбу турда пешқадам «Дўстлик»ни қийин аҳволга солиб қўйди. 43-дақиқада Ж.Ирисметов меҳмонларни олдинга олиб чиққан бўлса, иккинчи бўлим ўрталарида Н.Қуттибоев ҳисобни тенглаштирди. Ўйин тугашига 1 дақиқа қолганда Ж.Ирисметов жамоасига ғалаба келтирувчи тўпни киритди.

Ушбу турда «Нефтчи» ва «Навбахор» ҳам ғалаба қозониб, турнир жадвали италянча кўриниш олди.

Шухрат ТОЖИЕВ

АВТОМЕХАНИК МИЯНИ ТУЗАТДИ

Атлантик уй бекаси Джин Мелонерининг боши тез-тез оғриб турарди. Азобларга чидай олмаган аёл шифокор ҳузурига борса, миянгида шиш пайдо бўлган деди. Зудлик билан операция қилиш учун 30 минг доллар маблағ зарур эди. Балоғатга етмаган учта фарзанди бўлган оила қариндош-уруғларидан сўраб ҳам шунча пулни топа олмади.

Оила бошлиғи — автомеханик бўлиб ишлайдиган Рендалл Мелонери ночорликдан қалтис ишга қўл урди. Хотинини ўзи операция қилишга қарор қилди. Бошқа иложи ҳам йўқ, докторлар ҳам хотинининг операциядан сўнг яшаб кетишига кўпам умид йўқлигини айтишган.

Автомеханик шаҳар кутубхонасида нейрорхирургияга оид барча адабиётларни синчиклаб ўқиб чиқди. Унча қиммат бўлмаган жарроҳлик асбоб-ускуналарни сотиб олди. Холасининг қизи Маргаретни ҳамшираликка ёллади. Ўн беш йил муқаддам билим юрда ўқиб, чорвачилик фельдшери бўлиб ишлайётган дўсти Брайон Кейсни ёрдамга чақирди.

Ўйининг бир хонасини операция хонага айлантирди, рози-ризолик тилашди. Сўнг автомеханик хотинига кучли уйку дори бериб, унинг мия қобиғини ёрди. Шу пайт тиркираб оқётган қонни кўрган Маргарет ҳушидан кетди.

Қўлбола жарроҳ операция қилар экан, тез-тез қўлидаги китобларга қараб тўғри иш олиб бораётгани, текшириб олар эди. Бир пайт медицина пичоғи ўтмаслик қилиб қолди. Шунда автомеханик унинг ўрнига қулайроқ ошхона пичоғини ишлатди...

Бемор орадан бир кун ўтгач, ўзига келди. Ҳаваскор жарроҳ хотинининг миясидан олиб ташлаган шишнинг нўхатдан бўшаган шиша банкага солиб қўйган эди. Олиб унга кўрсатди.

Атланта госпиталининг нейрорхирурги Джинни текшириб кўриб, операция анча кўпол қилинган бўлса-да, умуман қониқарли бажарилган, деган фикрни билдирди. Джин Мелонерининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Аммо, автомеханик қилган операциядан сўнг битта ёмон асорат қолди: Джин баъзан болаларининг исмини адаштириб юборади, гоҳида эса эрини ҳам танимай қоляпти.

ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Марҳамат!

Бухгалтерия, банк-иқтисодчи, молиячи, коммерсант, аудитор мутахассислигини эгаллаш учун Тошкент тижорат техникумига ўқишга кириб, бу ниятингизга эришишингиз мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 105-уй.

Трамвайлар: 7, 28, 26

Троллейбус: 15

Автобуслар 32, 57, 58, 69, 79

«Қон қуйиш институти» бекати.

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОЛАТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Лайло КАРИМОВА
Навбатчи муҳаррир
Лола СОАТОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Таҳририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан
фарқланиши мумкин.